

Дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш бўйича
“ 8-11-22 ”-СОНЛИ ШАРТНОМА

2022 йил “ 8 ” ноябр

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Тиббиёт қурилиш инжиниринг” давлат унитар корхонаси номидан, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 05 июлдаги 262-К-сонли буйруғи ҳамда корхона Низоми асосида иш юритувчи директор вазифасини вақтинча бажарувчи А.Н.Худайбердиев бир томондан “INTERSTELLAR GROUP” масъулияти чекланган жамияти кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритиладиган, жамиятнинг Устави асосида иш юритувчи директор Д.Ш.Аблаев иккинчи томондан, биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, қуйидагилар юзасидан мазкур шартномани туздилар.

1. Шартнома мавзуси

1.1. Ижрочи Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги “Тиббиёт қурилиш инжиниринг” ДУК танлов комиссиясининг etender.uzex.uz сайтида 22110012170947-ЛОТда қўйилган эълонига асосан 2022 йил 03 ноябрдаги энг яхши таклифни танлаб олиш мақсадида ўтказилган танловнинг электрон баёнига мувофиқ қолиб деб топилган бўлиб, мазкур шартномага кўра Тошкент тиббиёт академияси музейини экспозициясини замонавий кўринишда Дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Буюртмачи эса бажарилган ишларни қабул қилиш ва уларга ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ва смета ҳужжатлари, қиймати ва бажариш муддатлари ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1-илоvasида белгиланган.

1.3. Ижрочи Дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш смета ҳужжатида кўрсатилган талабларни бажариши шарт ва улардан фақат Буюртмачининг розилиги билан четга чиқиш ҳуқуқига эга.

2. Шартнома баҳоси ва тўлов қоидалари

2.1. Мазкур шартноманинг қиймати ҚҚС билан 1 794 706 430,00 (Бир миллиард етти юз тўқсон тўрт миллион етти юз олтти минг тўрт юз ўттиз) сўмни ташкил этади.

2.2. Мазкур суммага Ижрочининг дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ва химоя қилиш ҳамда бошқа жараёнларнинг барча харажатлари киритилган.

2.3. Хизматлар нархи ушбу шартноманинг “Қийматлар келишув баённомаси”га асосан белгиланади, ушбу баённома (илова 1) шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2.4. Шартнома бўйича барча тўловлар ушбу мақсадлар учун бюджет маблағлари ажратилишига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

2.5. Буюртмачи шартномани Молия вазирлигининг Ғазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилган ва ушбу мақсадлар учун маблағ ажратилган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида шартнома қийматининг 30% миқдоридидаги бўнак тўловини амалга оширади. Бўнак тўловининг миқдори ҚҚС билан 538 411 929 (беш юз ўттиз саккиз миллион тўрт юз ўн бир минг тўққиз юз йигирма тўққиз) сўмни ташкил этади.

Тўловнинг қолган қисми тайёр бўлган дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларини топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактуралар тарафлар ўртасида имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни давомида амалга оширилади.

2.6. Дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ва бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида олдиндан ажратилган бўнак маблағи ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.7. Ижрочининг жорий молиялаштириш ишларини топшириш-қабул қилиш оралик далолатномалари имзолангандан сўнг 5 (беш) банк иш кунида амалга оширилади.

2.8. Якуний ҳисоб-китоб дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатлари бўйича бажарилган ишлар топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланиб топширилгандан ва электрон ҳисоб-фактуралар қабул қилиб олингандан сўнг 10 (ўн) банк иш кунида амалга оширилади.

2.9. Ижрочи томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактуралар ва бажарилган ишлар далолатномалари 10 (ўн) банк иш куни мобайнида Буюртмачи томонидан рад этилган, лекин рад этиш учун асос бўлган омиллар тўғрисида ёзма равишда тушунтириш берилмаган тақдирда,

бажарилган ишлар Буюртмачи томонидан белгиланган муддатда қабул қилинган ва ушбу ишлар учун тўловлар амалга оширилиши зарур деб ҳисобланади.

2.10. Ушбу Шартномадаги хизматларни кўрсатишга керакли ускуналар ва жихозлар сотиб олиш учун Ижрочининг ёзма таълабномасига (3- илова) асосан Буюртмачи томонда 3 иш куни мобайда тўлаб берилади, Буюртмачи томонидан ушбу маблағларни ўз вақтида пул ўтказмалари орқали амалга оширилмаган ҳолларда Ижрочи томонда Шартнома асосан хизмат кўрсатиш муддатларида амал қилинмаса унга жарима шунингдек пеня ва хокозолар қўлланмайди.

2.11. Ушбу Шартнома бўйича тўловларни амалга ошириш шартлари бошқа, ушбу Шартномада кўзда тутилмаган шартларни ўз ичига олмайди.

2.12. Буюртмачи Ижрочидан хом-ашё, жихозлар ва ушбу шартномани бажариш учун зарур бўлган бошқа материалларни харид қилинганлигини тасдиқловчи илк бухгалтерлик ҳужжатларини (ҳисоб-фактуралар нусхалари, юк хатлари, чеклар, смета ҳисоблари ва калькуляциялар, шу жумладан ШНК талабларига мувофиқ, ва бошқа ҳужжатларни) тақдим этишни талаб қилишга ҳақли эмас, Ижрочи эса юқорида қайд этилган ҳужжатларни Буюртмачига тақдим этиш мажбуриятини олмайди, чунки ушбу Шартномага мувофиқ кўрсатилаётган хизматлар қурилиш ишлари турларига кирмайди ва уларга нисбатан ШНК талаблари жорий этилмайди.

3. Ишларни бажариш ва кафолат муддатлари

3.1. Ижрочи мазкур шартномага асосан дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ва ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини қўйидаги муддатларда бажаради:

-ишларни бошланиши биринчи бўлак тўлови олган куни ҳисобланади;

-ишларни тугатиш муддати мазкур шартноманинг 1-илоvasи билан белгиланади;

3.2. Ижрочи ишларни муддатидан олдин бажаришга ҳақли, Буюртмачи эса ишларни қабул қилишга ва уларнинг қийматини шартномада келишилган шартларда ва муддатларда тўлашга мажбур.

3.3. Ижрочига боғлиқ бўлмаган ҳолда Буюртмачи томонидан молиялаштириш кечиктирилганда ёки бирламчи маълумотлар, тасдиқланган матн ҳамда фото ва видео малумотлани ўз вақтида тақдим қилинмаган ҳолларда ишларни давом эттириш муддати молиялаштиришнинг кечиктирилган ёхуд бирламчи маълумотлар тақдим қилиниши кечиктирилган вақтга мутаносиб тарзда узайтирилади.

3.4. Ижрочи мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажаришда учинчи шахсни мустақил равишда жалб қилиш ҳукукига эга. Бундан Ижрочи ишларнинг камида 30 фоизини бажариши лозим.

3.5. Томонларнинг келишувига асосан айрим бадий ишларга (хизмат кўрсатиш) ўзгартириш (алмаштириш) киритиш мумкин, ўзгартириш (алмаштириш)лар ушбу шартномада кўрсатиб ўтилган умумий маблағдан оширилмаган ҳолда амалга оширилади.

3.6. Ижрочининг ушбу шартномага асосан хизмат кўрсатиш якунланиши бажарилган ишлар Далолатномасини томонлар имзолагандан сўнг тугатилган деб ҳисобланадаи.

3.7. Кафолат муддати бажарилган ишлар қабул қилиб олинган сўнг ёки Буюртмачи томондан қабул қилиниши керак бўлган кундан бошланиб 12 ойни ташкил қилади.

3.8. Буюртмачи томондан эксплуатация қилиш қоидаларига риоя қилган тақдирда Ижрочи ушбу шартномага асосан бажарилган ишлар сифатига 12 ой жавобгар ҳисобланади.

3.9. Кафолат муддати вақтида Ижрочи айиби билан камчиликлар пайдо бўлса ўз ҳисобидан бартараф қилади.

3.10. Ижрочининг ишларини тугатиш муддати “50” (эллик) иш куни.

4. Томонлар мажбуриятлари

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Шартнома бўйича тўловларни ўз вақтида амалга ошириши ҳамда топширилган ва қабул қилиб олинган ишлар учун мазкур шартномада келишилган тартибда ҳисоб-китоб қилиши;

4.1.2. Ишнинг ўз вақтида бошланишини, уларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун шарт-шроит яратиш;

4.1.3. Ижрочининг хўжалик фаолиятига халақит бермасдан, бажарилган ишлар сифатини, уларни ишлаб чиқариш шартларига риоя қилинишини назорат қилиб бориш;

4.1.4. Ижрочидан олинган дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларидан фақат шартномада назарда тутилган мақсадларда фойдаланиши, дизайн ва

безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларини Ижрочининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва ундаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

4.1.5. Ижрочи ишларини бажаришда шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда Ижрочига дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларни тайёрлаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва зарур ҳужжатларни тақдим қилиши;

4.1.6. Тайёр бўлган дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларини фойдаланувчи ташкилот билан келишиб олишда Ижрочи билан бирга қатнашиши;

4.1.7. Ижрочи ишлар унинг лозим даражада бажарилмаганлиги аниқланган тақдирда уларни бартараф этиш учун оқилона муддат белгилаш;

4.1.8. Ижрочига иш натижасининг сифатсизлиги юзасидан талаблар билан чиқиш;

4.1.9. Тайёрланган дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишда қатнашишга Ижрочини жалб қилиши шарт.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари:

4.2.1. Дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни бажариш ҳақидаги топшириқ ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ҳамда келишилган график асосида вақтида бажариши, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиши;

4.2.2. Тайёр бўлган дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатлари бўйича белгиланган тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш.

4.2.3. Тайёр бўлган дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларини Буюртмачи билан келишиб олиши, шунингдек, Буюртмачи билан бирга фойдаланувчи ташкилот билан келишиб олиш. Бундай келишувлар Ижрочи ҳисобидан ташкиллаштирилади ва амалга оширилади;

4.2.4. Тайёр бўлган дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларини шартномада белгиланган муддатларда Буюртмачига топшириши;

4.2.5. Буюртмачининг дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги ёзма кўрсатмаларини, агар ушбу кўрсатмалар мазкур шартномага зид бўлмаса бажариши;

4.2.6. Дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатлари сифати ва таркиби бўйича асосланган талабнома юборилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида камчиликларни бартараф қилиш;

4.2.7. Буюртмачининг розилигисиз дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

4.2.8. Шартнома мавзуси юзасидан субпудрат шартномалари тузилганлиги ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

4.2.9. Дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни шартномада кўрсатилган муддатда ва ҳажмларда бажариб Буюртмачига топшириш;

4.2.10. Дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни қабул қилиш вақтида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш.

4.2.11. Хизмат кўрсатиш мавсуми якунигача объектда муаллифлик назоратини олиб бориш.

5. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

5.1. Дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг Бош ижрочи томонидан расмийлаштирилиб Буюртмачига топширилиши керак бўлган дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида қоғоз шаклида ҳамда электрон шаклларда (Word, Excel, PDF ёки Буюртмачи билан келишилган бошқа шаклларда) Буюртмачига топширилади.

5.2. Буюртмачи дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 5.1-бандида келишилган шаклда олгандан сўнг 10 (ўн) кун мобайнида ишларни қабул қилади. Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Ижрочига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул

қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Ижрочига топшириши шарт.

5.3. Дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларини топшириш-қабул қилиш далолатномасининг имзоланиши унга нисбатан барча мутлақ ҳуқуқларнинг Ижрочидан Буюртмачига ўтганлигини тасдиқлайди.

5.4. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган кўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

5.5. Агар дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни бажариш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 (беш) кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 (ўн беш) кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

5.6. Тарафлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

5.7. Лозим топилган ҳолларда 5.1-бандидаги қабул қилиш муддати оралиғида тарафлар холис экспертларга дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5.8. Ижрочи ишлаб чиқиладиган дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларининг техник топшириққа, техник шартларга, қурилиш нормалари ва қоидаларига, давлат стандартларига, ваколатли ташкилотларнинг таклифларига ва мулоҳазаларига мувофиқлигини ҳамда аниқланадиган камчиликларни ўз вақтида бартараф қилишини кафолатлайди.

5.9. Буюртмачи ушбу шартномада кўрсатилган муддат ва тартиб бўйича Ижрочи иштироки кўрсатилган иш ва хизмат турларини кўриб ва қабул қилиб олишга, агар бирон камчилик ёки ёки шартнома талабларига мос келмаса бу ҳақида Ижрочига ёзма равишда билдиришга мажбур.

5.10. Буюртмачи Ижрочидан ёзма равишда иш ва хизмат кўрсатишни топширишга таёрлиги ҳақида огоҳлантириш олгандан сўнг ўз вақтида қабул қилишга киришишга мажбур.

6. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги фавқулудда ҳолатлар, табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бир-бирига мазкур ҳолатларни исбот этган тақдирда мажбуриятни бажарилишидан озод этиладилар. Бундай ҳолатларга тартибсиз фалокатлар, сафарбарлик, ҳарбий ҳаракатлар, эпидемиялар, террористик актлар, қамал ва бошқа халқаро санкциялар, шунингдек, оммавий тартибсизликлар, экспорт ва импортнинг чекланиши, валюта чекловлари ва бошқа Ҳукумат томонидан тақиқланувчи чоралар ҳисобланади.

6.2. Томонлар мажбуриятларини фавқулудда ҳолатлар, табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган кучлар таъсирида давом эттира олмаётганлиги, мазкур ҳолатларнинг бошланганлиги ва тугаганлиги ҳақида бир-бирини зудлик билан огоҳлантиришлари шарт.

6.3. Бундай ҳолатлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Бош пудратчи ва Буюртмачи ишларни келгусида давом эттириш ёки бекор қилиш тўғрисида музокаралар олиб борилишига мажбурдирлар.

6.4. Томонлар мажбуриятларни табиат ҳодисалари ва енгиб бўлмас куч таъсирида ўз вақтида бажара олмаганликларини мазкур ҳолатларни содир бўлганлигини ваколатли давлат органларининг маълумотномаларини тақдим этишлари ва енгиб бўлмас кучларнинг содир бўлганлиги ва унинг давомийлигини тасдиқловчи ҳолатларни бир-бирига исбот қилишлари шарт.

7. Махфийлик

7.1. Тарафлар бир-биридан олган ёки ушбу шартнома бўйича ишларни бажаришда уларга маълум бўлган маълумотларнинг махфийлигини, шунингдек мазкур шартномага мувофиқ бошқа

томоннинг розилигини олмасдан учинчи томонга бирон-бир маълумотни ошкор қилмаслик қилмаслик мажбуриятини оладилар.

7.2. Мазкур шартноманинг 7.1-банди талаблари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ваколатли ташкилотларнинг талабига мувофиқ махфий маълумотларни ошкор қилиш ҳолатларига тааллуқли эмас.

8. Тарафларнинг мулкӣ жавобгарлиги

8.1. Ижрочи томондан ушбу шартномада кўрсатиб ўтилган хизмат кўрсатиш муддатларида дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик хизмат кўрсатиш жараёнида, шунингдек тайёрланган дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

8.2. Дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочи Буюртмачининг талаби билан дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

8.3. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

8.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда молиялаштирмаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси молиялаштирилмаган қисмининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.5. Ижрочи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартнома бажарилмаган қисмининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.6. Буюртмачи томонидан бажарилган ва топширилган ишларда нуқсон ва камчиликлар аниқланганда, Ижрочига топилган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш бўйича муддат белгилайди. Ижрочи томонидан нуқсон ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаган тақдирда Ижрочи сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Сифатсиз бажарилган ишлар ва унинг қиймати Буюртмачи ва Ижрочи ўртасидаги далолатнома асосида расмийлаштирилади. Жарима ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси далолатнома тузилгандан сўнг 10 банк куни ичида Ижрочига тақдим этилади ва Ижрочи томонидан 10 банк иш куни ичида жарима тўлаб берилади. Ижрочи томонидан жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатда бажарилмаса, жарима Тошкент туманлараро иқтисодий суди орқали ундирилади.

8.7. Пеня ва жарима тўлаш Тарафларни келгусида шартнома шартларини бажаришлиқдан озод қилмайди.

8.8. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

8.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

9. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалалар музокаралар ёрдамида ҳал қилинмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачи жойлашган жойдаги ваколатли суд органи томонидан кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

10. Шартномани ўзгартириш, бекор қилиш ва унга қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

10.2. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Ижрочининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати кечиктирилса;

-Ижрочининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган танлов ҳужжатларидаги техник топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

10.3. Ижрочи куйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бош ижрочига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан тўхтатилса;

-Буюртмачи бажарилган ишларнинг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса.

10.4. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 15 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

10.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

11. Яқунловчи қоидалар

11.1. Дизайн ва безатиш экиспозитция хизматларини ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишлар натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса, уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Ижрочи томонидан ва унинг ҳисобидан амалга оширилади.

11.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бош лойиҳачининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

11.3. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кирган ҳисобланади ва шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йил;

11.4. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради.

11.5. Мазкур шартнома давлат тилида икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади.

11.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

12. Тарафларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Буюртмачи”

“Тиббиёт қурилиш инжиниринг”
давлат унитар корхонаси
Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани,
Боғубустон кўчаси 143 ўй.
тел. 71-281-24-43
СТИР 202 017 477, ИФУТ 70220
х/р 2340 2000 3001 0000 1010
Ўз.Р.МВ Ғазначилик бошқармаси
Банк код рақами 01046
Ш.х/в _____

Директор в.в.б.
А.Н.Худайбердиев
М.Ў.



“Ижрочи”

“INTERSTELLAR GROUP” МЧЖ
Тошкент шаҳар, Яшнобод туман
Бойқўрғон кўчаси 11/1-уй
х/р 2020 8000 7050 9992 9001
АКБ “InFin BANK”
Тошкент шаҳар филиали,
Банк код рақами 01041,
СТИР 306 569 845,
ОКЭД 74100
тел. (99) 813-40-00 (90) 355-93-31

Директор
Д.Ш.Абласв
М.Ў



2022 йил "8" 11 даги
8-11-22 – сонли шартномага
2- илова

КАЛЕНДАР ИШ ЖАДВАЛИ

№	Шартнома бўйича ишларнинг номи ва уни амалга оширишнинг асосий босқичлари, лойиҳалаш босқичи	Тугатиш муддатлари	
		Бошланиши: ой, йил	Охири: ой, йил
1	Тошкент тиббиёт академияси музейини экспозициясини замонавий кўринишда Дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш	15 ноябрь 2022й	

“Буюртмачи”

“Тиббиёт қурилиш инжиниринг”
давлат унитар корхонаси

Директор в.в.б.



М.Ў.

А.Н.Худайбердиев

“Ижрочи”

“INTERSTELLAR GROUP” МЧЖ

Директор



М.Ў

Д.Ш. Аблаев _

2022 йил "8" 11 даги
8.11.22 – сонли шартномага
1- илова

ШАРТНОМА БАҲОСИ БЎЙИЧА КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳри

«___» _____ 2022 йил

Биз, қуйида имзо чекувчилар, «Буюртмачи» «Тиббиёт қурилиш инжиниринг» давлат унитар корхонаси» Директори в.в. А.Н.Худайбердиев, сиймосида ва и «Ижрочи» «INTERSTELLAR GROUP» МЧЖ, директор Д.Ш. Аблаев сиймосида шуни тасдиқлаймизки, бизнинг ўртамизда Тошкент тиббиёт академияси музейини экспозициясини замонавий кўринишда Дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш учун Шартнома баҳоси қийматини ҚҚС билан қўшиб ҳисоблаганда 1 794 706 430,00 (Бир миллиард етти юз туксон тўрт миллион етти юз олтти минг тўрт юз уттиз) сўм миқдорида белгилаш бўйича келишувга эришилди.

Ижрочининг бошқа ҳаражатлари коэффиценти -17,27 %

Бадий ишларни базавий баҳолаш ҳисоби тўлиқ ишлар бажарилагндан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси экспертиза кенгашининг баённомаси хулосасидан келиб чиқади.

Ушбу келишув баённомаси «Буюртмачи» ва «Ижрочи» ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ва тўловлар учун асос ҳисобланади.

«Буюртмачи»

«Тиббиёт қурилиш инжиниринг»
давлат унитар корхонаси

Директор в.в.б.

А.Н.Худайбердиев

М.ў.



«Ижрочи»

«INTERSTELLAR GROUP» МЧЖ

Директор

Д.Ш. Аблаев

М.ў



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Тиббиёт қурилиш инжиниринг”
давлат унитар корхонаси директори
А.Худайбердиев
“ ” 2022й.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Тиббиёт қурилиш инжиниринг”
давлат унитар корхонасининг танлов комиссия йиғилишининг
2022-09-09/1-сонли БАЁНИ

2022 йил 07 ноябр

Тошкент шаҳри

Танлов комиссия йиғилишида қатнашдилар:

А.Худайбердиев	“Тиббиёт қурилиш инжиниринг” ДУК директори -комиссия раиси;
Р.Каршибоев	Бош мухандис;
И.Джураев	Иқтисодий масалалар буйича директор ўринбосари;
У.Алпомишов	Бош ҳисобчи -комиссия аъзоси;
М.Балхиев	Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа хужжатлари ва танлов хужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи;
С.Тўраев	Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи.

Ўзирли сабабларга кўра: Иқтисодий масалалар буйича директор ўринбосари И.Джураев йиғилишда қатнаша олмади.

КУН ТАРТИБИ:

“Тошкент тиббиёт академияси музейини экспозициясини замонавий кўринишда Дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш бўйича, etender.uzex.uz сайтида 22110012170947 -ЛОТда қўйилган эълонга мувофиқ энг яхши таклифни танлаб олиш мақсадида ўтказилган танлов савдолари якуни бўйича танлов комиссия аъзоларининг муҳокамаси.

(Худайбердиев, Алпомишов, Каршибоев, Джураев, Балхиев, Худайбердиев)

Кун тартибидаги масалалар юзасидан “Тиббиёт қурилиш инжиниринг” ДУК директори -комиссия раиси А.Худайбердиев чиқиб, “Тошкент тиббиёт академияси музейини экспозициясини замонавий кўринишда Дизайн ва безатиш экспозиция хизматларини кўрсатиш etender.uzex.uz сайтида 22110012170947-ЛОТда қўйилган эълонга мувофиқ 2022 йил 03 ноябрдаги энг яхши таклифни танлаб олиш мақсадида ўтказилган танловдаги электрон баёнига мувофиқ энг яхши таклиф берган “INTERSTELLAR GROUP” МЧЖ ғолиб топилагнлигини инobatга олиб белгиланган тартибда шартнома тузиш кераклигини таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга, ЎРҚ-684 - сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг талабларига қатъий риоя қилиш бўйича ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари

маблағларни мақсадли тарзда фойдаланишлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур 22110012170947-сонли ЛОТ иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур 22110012170947-сонли лотда иштирок этмаяпти.

Муҳокамага кўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, танлов комиссия йиғилишининг 2022 йил 03 ноябрдаги энг яхши таклифни танлаб олиш мақсадида ўтказилган танловдаги электрон баёнига мувофиқ

Танлов комиссия қарор қилади:

1“Тошкент тиббиёт академияси музейини экспозициясини замонавий кўринишда Дизайн ва безатиш экиспозитция хизматларини кўрсатиш бўйича (22110012170947-ЛОТ) “Тиббиёт қурилиш инжиниринг” ДУК ва “INTERSTELLAR GROUP” МЧЖ ўртасида қиймати ҚҚС билан **1 794 706 430** (*Бир миллиард етти юз туқсон тўрт миллион етти юз олтти минг тўрт юз уттиз*) сўм, лойиха-қидирув ишларини ____ кун муддатда яқунлаш шарти билан шартнома тузиш таклифи бир овоздан мақуullanсин.

2. Ушбу баённома ижроси Тендер савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлим С.Тўраев ҳамда Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бошлиғи И.Джураев зиммаларига юклатилсин.

Йиғилиш баённомасининг тузилиши тўғри деб комиссия аъзолари:

Р.Каршибоев _____

У.Алпомишов _____

С. Тўраев _____

М. Балхиев _____

Yuridik shaxs to`g`risida ma`lumot
(Ro`yxatdan o`tkazuvchi va vakolatli organlar ma`lumoti asosida shakllantirildi)

Umumiy ma`lumot

INN:	306569845
Ro`yxatdan o`tkazuvchi organ:	Davlat xizmatlari markazi
Davlat ro`yxatidan o`tkazilgan sana:	10.07.2019
Davlat ro`yxatidan o`tkazilgan raqami:	711449
Yuridik shaxsning nomi:	"INTERSTELLAR GROUP" mas`uliyati cheklangan jamiyati
Tashkiliy-huquqiy shakli:	152 - Mas'uliyati cheklangan yoki qo'shimcha mas'uliyatli jamiyat
IFUT kodi:	74100 - Ixtisoslashgan dizaynerlik faoliyati
DBIBT kodi:	79994 - Davlat va xo`jalik boshqaruvi organlari tarkibiga kirmagan tadbirkorlik sub'yektlari

Kichik tadbirkorlik sub`ektlariga

mansubligi:	Ha
Faollik holati:	Faoliyat ko'rsatayotgan
Ustav fondi:	9 100 000,00 UZS

Boshqaruvchi haqida ma`lumot

Rahbarning F.I.SH.:	ABLAYEV DILYAYER SHEVKETOVICH
---------------------	-------------------------------

1. ABLAYEV DILYAYER SHEVKETOVICH	100,00
2.	
3.	
4.	
5.	

Kontakt ma`lumotlari

Elektron pochta manzili:	dil.ablaev@gmail.com
Aloqa telefoni:	903539331
MHOBT kodi:	1726290 - Toshkent shahri, Yashnobod tumani
Ko`cha, uy, xonadon:	BOYQO'RG'ON 11/1-UY

Yuridik shaxs to`g`risida ma`lumot
(Ro`yxatdan o`tkazuvchi va vakolatli organlar ma`lumoti asosida shakllantirildi)

Umumiy ma`lumot

INN:	302263881
Ro`yxatdan o`tkazuvchi organ:	Tuman (shahar) hokimiyati
Davlat ro`yxatidan o`tkazilgan sana:	06.04.2012
Davlat ro`yxatidan o`tkazilgan raqami:	5759-03
Yuridik shaxsning nomi:	"GLOBAL EVENT AND CONSTRUCTION" mas'uliyati cheklangan jamiyati
Tashkiliy-huquqiy shakli:	152 - Mas'uliyati cheklangan yoki qo'shimcha mas'uliyatli jamiyat
IFUT kodi:	74100 - Ixtisoslashgan dizaynerlik faoliyati
DBIBT kodi:	79994 - Davlat va xo`jalik boshqaruvi organlari tarkibiga kirmagan tadbirkorlik sub'yektlari

Kichik tadbirkorlik sub`ektlariga

mansubligi:	Ha
Faollik holati:	Faoliyat ko'rsatayotgan
Ustav fondi:	16 406 000,00 UZS

Boshqaruvchi haqida ma`lumot

Rahbarning F.I.SH.:	GORDEYEVA LARISA VLADIMIROVNA
---------------------	-------------------------------

1. GORDEYEVA LARISA VLADIMIROVNA	100,00
2.	
3.	
4.	
5.	

Kontakt ma`lumotlari

Elektron pochta manzili:	behi@mail.ru
Aloqa telefoni:	909788143
MHOBT kodi:	1726273 - Toshkent shahri, Mirobod tumani
Ko`cha, uy, xonadon:	XUSHNUD 1-BERK KO`CHASI, 76-UY